



Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!

ЎЗБЕКISTON ВА УКРАИНА ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛГАНИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА

Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан икки давлат раҳбарлари бир-бирларини қутладилар.

Украина Президенти Пётр Порошенконинг табрик мактубида бундай дейилади: «Сизни муҳим сана — Украина ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги билан самимий муборакбод этаман».

Пётр Порошенко давлатларимиз ўртасидаги чорак асрлик тенг ҳуқуқли муносабатлар бундан буён ҳам ўзаро ҳамкорлиқни ҳар томонлама ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг

мактубида ўтган вақт мобайнида мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги аънавий дўстлик алоқалари ўзаро ҳурмат, манфаатдорлик ва англашув руҳида изчил ривожлангани ва мустаҳкамлангани чуқур мамнуният билан қайд этилган. Давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик, аввало, савдо-иқтисодий соҳадаги алоқалар халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам янада кенгайиши ва мустаҳкамланишига ишончим комил», деб таъкидлаган.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртва муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

«ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ»

Ғофуров Иброҳим Усмонович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос олим

«ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАСИ ФАН АРБОБИ»

Назаров Бахтиёр — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос олим

Негматов Сойибжон Содикович — Ўзбекистон Фанлар академияси академиги

«ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАХШИСИ»

Умиров Чори — меҳнат фахрийси, бахши

«ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ»

Содиқов Марат Файзинович — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, график rassom

«ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙ»

Қодиров Рауф Ғофурович — Ўзбекистон давлат консерваторияси Муслиқ педагогика кафедраси профессори, мусиқашунос
Сатторов Зафар Раҳмонович — Навоий вилояти Хатирчи туманидаги болалар-ўсмирлар спорт мактабининг эркин кураш бўйича мураббийи

«ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»

Махнунова Рислик Тожибоевна — «Наманган ҳақиқати» газетаси бўлим мудири

Низаев Тимур Теджиевич — «Правда Востока» газетаси бўлим мудири

«ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

Генжемуратов Бахтиёр Алламбергенович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Зиёхонов Хуршид Жавидович — Камолитдин Бехзод номидаги Миллий rassomлик ва дизайн институти катта ўқитувчиси, график rassom
Исмоилова Жаннат Ҳамидовна — Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори

Ляшко Анатолий Алексеевич — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри бўлим бошлиғи
Сапаев Сададдин Мамбетович — Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани маданият бўлимига қарашли «Бўстон» ашула ва рақс халқ ансамбли бадий раҳбари

«ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»


Каримова Саодат Наимовна — Қашқадарё вилояти Касби тумани тиббиёт бирлашмаси чақалоқлар бўлими неонатолог шифокори
Омарбаева Шариғул — Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ тумани тиббиёт бирлашмаси неонатолог шифокори

«ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

Бердиев Рўзиқул Саъдуллаевич — Қашқадарё вилояти «Насаф» футбол клуби бош мураббийи

► Давоми 2-бетда.

САМАРҚАНДДА ДУНЁ ТАРОНАЛАРИ ЯНГРАМОҚДА



Самарқанд шотўлағанов олган суратлар

Самарқандда «Шарқ тароналари» ўн биринчи халқаро мусиқа фестивали бошланди. Регистон майдонидаги асосий сахнада қатнашчилар ўз дастурларини намойиш этишга киришди.

Фестивалнинг бошқа иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги «Сўғдиёна», «Ёшлик» истирохат боғларида, Самарқанд педагогика коллежи, «Нихол» амфитеатрида самарқандлик санъаткорлар билан ҳамкорликда концерт дастурлари намойиш этидилар.

Хусусан, «Нихол» амфитеатрида Италия, Ҳиндистон, Эрон, Вьетнамдан келган ижодий гуруҳлар ва мамлакатимиз вакиллари томонидан

миллий куй-қўшиқлар ижро этилди.

— «Шарқ тароналари» дунё халқларининг миллий мусиқа санъатини ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган, — дейди Италиянинг «Нантиша» гуруҳи аъзоси Аннализа Мессино. — Биз Неаполнинг ўзига хос шеvasида ижро этиладиган қадимий қўшиқни ушбу фестивалга тайёрлаб келганмиз. Бугун танловдан ташқари дастурдаги ижромиз томошабинларга манзур бўлганидан хурсандмиз. Умуман, дастлабки кунданок ўзбек халқининг санъатни чин дилдан севиши ва юксак қадрлаши, ижодкорларга алоҳида ҳурмат-этибор кўрсатиши ажойиб таассурот қолдирмоқда.

— Ўзбекистонда эрон халқи куй-қўшиқларини севиб эшитишларини яхши биламиз, — дейди Эроннинг

«Нақш» гуруҳи хонандаси Аскар Муттабо. — Миллий чолғу асбобларимиз оҳанги уларга хуш ёқади. Шунинг учун фестивалда камонча, тамбак, қонун каби созларда ижро этиладиган халқ қўшиқларини куйламоқчимиз. Ҳозиргина Саъдий Шерозий ғазаллари билан айтган қўшиқларимиз томошабинларга манзур бўлгани кўнглимизни кўтарди. Қарийб бир ҳафта давомида бу ерда ўзимизнинг энг яхши асарларимизни ижро этиб, халқингизнинг байрамона кайфиятини янада кўтаришга ҳаракат қиламиз. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган мустақиллик байрами билан табриклаймиз.

Самарқанд шаҳридаги Фароғат, Саид Ризо Ализода номидаги ва

бошқа маҳаллалар аҳолиси тинчлик ва дўстлик турли тилларда мадҳ этилган қўшиқларни тинглаб, рақс тушдилар.

— «Шарқ тароналари» фестивали иштирокчиларининг шаҳримиздаги маданият ва истирохат боғлари, амфитеатрларда ҳам ўз дастурини намойиш этиши ажойиб иш бўлмоқда, — дейди Янгикўрғон маҳалласида яшовчи Шоира Эгамбердиева. — Кечки пайт оила аъзоларимиз билан келиб, концерт дастурини томоша қилиб, марокли хордик чиқаряпмиз. Куй-қўшиқ, санъат тил ва миллат танламаслигига яна бир бор амин бўлиб турибмиз.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

2017 йил 25 август кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар Тошкент вилояти Тўйтепа шаҳрининг Олий судининг таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Аввал хабар берилганидек, Сенат Тўйтепа шаҳрини Тошкент вилоятининг маъмурий маркази этиб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Мажлисининг иккинчи кунини сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига ва «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақлифини кўриб чиқиб, Тошкент вилояти Тўйтепа шаҳрини Нурафшон шаҳри деб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бир қатор судьяларини сайлаш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Номзодларни муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралда қабул қилинган

судьяларни танлаб олиш ва лавозимларга тайинлаш тизimini тубдан ислоҳ қилишга доир чора-тадбирларни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тусзилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини изчил ва сўзсиз рўйбга чиқариш муҳим эканлиги таъкидланди.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулдада ва мухтор элчиси лавозимига тайинлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг одоби қондаларига қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

Регламентига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раисини сайлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламент ва одоб комиссияси таркибига ўзгартиришлар киритилди. Ушбу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасидаги маданият ва истирохат боғларида, шунингдек, бошқа маданий-кўнглоочар масканларда ўрнатилган юқори технологияли аттракционлардан

фойдаланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан йўлга қўйилган давлат назоратининг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Ариповга юборилган парламент сўрови натижалари бўйича ахборотни муҳокама қилдилар.

Қайд этилганидек, парламент сўровига мувофиқ вазириликлар ва идоралар раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан 148 та маданият ва истирохат боғининг ҳолати ўрганилди. Маданият ва истирохат боғларида ишлаб турган 1 758 та аттракцион ва ўйин қурилмаси улардан фойдаланишда хавфсизлиқни таъминлаш нуқтаи назаридан текширилди.

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGINING YIGIRMA OLTI YILLIGI
MUHOSABATI BILAN FAN, TA'LIM, SOGLIQLIK SAQLASH, ADABIYET,
MADANIYAT, SAN'AT, MA'NAVIYAT VA MA'RIFAT, OMMAVIY AXBOROT
VOSITALARI HAMDA IJTIMOIY SOXALAR XODIMLARIDAN BIR GURUXINI
MUKOFOTLASH TUGRISIDA«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA XIZMAT
KURSATGAN SPORTCHI»

Жангабаев Рустам Комилжон ўғли — оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Дўмуротов Сардорбек Махмадиёр ўғли — оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA XIZMAT
KURSATGAN XALQ TA'LIMI XODIMI»

Байманова Тамара Аллияровна — Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ туманидаги 31-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси

«ЭЛ-ЮРТ ХУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Чусовитина Оксана Александровна — спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН»
ОРДЕНИ БИЛАН

Зоҳидов Ромэн Абдуллаевич — Ўзбекистон Фанлар академияси академиги
Искандаров Саъдулла — Ўзбекистон Фанлар академияси академиги
Салоҳиддинов Маҳмуд Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Математика институти бўлим mudiri

«МЕХНАТ ШУХРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Азимов Жалолддин Азимович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника ва зоология институти бош илмий ходими
Азимова Гулчехра Сарваровна — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби хузуридаги хореография коллежининг мумтоз рақс фани ўқитувчиси
Акбаров Ҳамидулла Илсевич — Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети Телевидение ва радиозахтириш кафедраси профессори

Арипова Салимаҳон Фозиловна — ЎзФА Ўсимлик моддалари кимёси институти бош илмий ходими
Асадов Дамин Абдурахимович — Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, молиялаштириш ва бошқариш кафедраси mudiri, профессор
Ахмедов Исмоилжон Мамасиддиқович — Андижон олимияи захиралари коллежининг гандбол бўйича мураббийи

Господарчук Юрий Михайлович — Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси
Исмоилова Ўғилхон Ҳақимовна — Андижон вилояти Асака тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси врач
Исоев Норхон Кичикович — Бухоро давлат университети қошидаги 3-Қорақўл академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси

Маннонов Абдурахим Муталович — Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори
Мирзаев Мирпўлат — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Раззоқов Шокир — Хоразм вилояти Бўғот тумани 1-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси
Раҳмонбердиев Гаппор — Тошкент кимё-технология институтининг Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси кафедраси профессори

Садриддинов Азмиддин Садриддинович — Тошкент давлат техника университети ер усти транспорт тизимлари кафедраси профессори

Салимов Оқил Умурзоқович — иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Ўлбег» жамғармаси раҳбари
Турсунбоев Комил Жумаевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбектеlevision» студияси бўлим бошлиғи

Урманова Флюра Фаридовна — Тошкент фармацевтика институти фармакогнозия кафедраси mudiri

Ҳамидов Ҳожиакбар — Тошкент ирригация ва кишлок ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Гуманитар фанлар кафедраси профессори
Ходжанов Муратбай Турдимуратович — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси Қорақалпоғистон телеканали режисёри

Шарипова Нафиса Аъзамовна — Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги «Мурувват» ногирон аёллар интернат уйи директори

Юсупбеков Нодирбек Рустамбекович — Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Тошкент давлат техника университети профессори

Эргашев Юсуфжон Ёқубжонович — «Ўзбекистон» наشريёт-матбаа ижодий уйи чоп этиш цехининг 6-разрядли чоп этувчиси

Эргашева Мастура Яхъёевна — Бухоро вилояти Болалар уйи катта хамшираси

Ҳобилов Тохир Абдумаликович (Тохир Малик) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ОРДЕНИ БИЛАН

Авазов Исроил Турдимуродович — Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси болалар бўлими mudiri

Любича Аделина Семёновна — Республика перинатал маркази директори

Мамажонов Турсунали — Фарғона тумани «Водил чинори» халқ дорбозлари жамоаси бадий раҳбари

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдурахимов Маъмурахон Тўхтасиновна — «Фарғона ҳақиқати» газетаси адабиёт ва санъат бўлими mudiri

Алимова Ҳалимаҳон — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессори

Асиров Асад Носирович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Аъзамов Куддус Аъзамович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали «Янги жамият» студияси бош муҳаррири

Бобоева Зебо Тўтаевна — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги таржима тахририяти таржимони

Бўтаева Фарида Қўзиёвна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Голованов Владимир Иванович — Тошкент ҳайвонот боғи илмий ходими

Ғуломов Исроил Жўраевич — «Истиқлол» санъат саройи директори

Жумаев Акмал Менглиевич — Республика ихтисослашган кардиология маркази Қарши филиали реабилитация бўлими бошлиғи

Жўраева Санобархон Раҳмоновна — Андижон вилояти Асака тумани маданият бўлими қошидаги ансамбль хонандаси

Зоҳидова Машкура Исомиддиновна — «Народное слово» газетаси таржимони

Исроилов Тожибой Ғуломович — Театр арбоблари уюшмаси аъзоси, режиссёр

Калиева Дилфуза Тайлаковна — Ўзбекистон қозоқ миллий маданият маркази етакчи ходими

Кан Айлига Анатольевна — Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникаси реанимация бўлими mudiri

Қораева Раҳобза Хурсандовна — Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 62-умумий ўрта таълим мактаби директори

Каримов Абдуқаҳҳор Абдусаматович — «Ўзбекфильм» акциядорлик жамияти овоз оператори

Мелибоев Аҳмаджон — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, публицист

Мирзаев Раъшан Шарипович — Сурхондарё вилояти «Сўғи Оллоёр» жамғармаси раиси

Мирзамаҳмудов Исмоилжон — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Мухамедова Раъно Тимурхоновна — Бадий гимнастика бўйича Республика олимпия захиралари спорт мактаби мураббийи

Недорезов Александр Иванович — эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

Никитина Любовь Николаевна — Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази жаррохлик бўлими mudiri

Пахомов Георгий Львович — Тошкент тиббиёт академияси факультет ва госпиталь жаррохлик кафедраси доценти

Палуянизова Улмекен Жолдасбаевна — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси Қорақалпоғистон радиоканали бош муҳаррири ўринбосари

Ражабов Тохир Юнусович — пенсионер, созанда

Ризаев Шухратилла Турсунович — «Ўзбекино» Миллий агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари

Сайпиев Акбар — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиали шифокор-травматолог

Самандаров Эркин — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Сергеев Вячеслав Алексеевич — байдарка ва каноеда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

Султанова Дина Агаяновна — меҳнат фахрийси, адабий таржимон

Тўлаҳўжаева Муҳаббат Туробовна — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Санъатшунослик ва маданиятшунослик кафедраси профессори

Турсунов Убайдулла Риксидович — «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси офсет босма цехи чоп этувчиси

Холматов Ниёзали — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миниатюрчи рассом

Холтожиёв Абдурахмон Акбарович — Ўзбекистон Бадий жамоалари ижодий бирлашмаси Юнус Ражабий номидаги «Маком» ансамбли созандаси

Черкасова Галина Викторовна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Микробиология институти катта илмий ходими

Ҳотамов Азамат Камолович — Камолддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, ҳайкалтарош

Шайхова Таусифа Валиевна — Тошкент шаҳар руҳий касалликлар клиник шифохонаси шифокор-психиатри

Эгамбердиев Асилбек Қўзихайдарович — Сирдарё вилояти белбоғли кураш бўйича терма жамоаси катта мураббийи

Эсонов Туркман — Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти доценти, ҳайкалтарош

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдурасулова Гулчехра Ибрагимовна — Фарғона вилояти турон яққаураши бўйича терма жамоаси мураббийи

Алхамов Нормухаммад — Навоий вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси неонатолог шифокори

Бўриев Забардаст Тожиевич — ЎзФА Геномика ва биоинформатика маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Ганиева Зумрадхон Юлдашевна — Фарғона вилояти «Мурувват» ногирон болалар интернат уйи ўқитувчиси

Гейделбах Галина Павловна — «Ўзбекфильм» акциядорлик жамияти пардозчи-рассоми

Ғуломов Шавкат Муртазович — Республика «Хунарманд» уюшмаси Бухоро вилояти бўлими аъзоси, кандакор уста

Давлетмуратова Гулнара Бегдуллаевна — Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани «Тахтакўпир тонги» газетаси муҳаррири

Дадажонов Чаросхон Ғиёсовна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Madaniyat va ma'rifati» телеканали Илмий-маърифий дастурлар муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари

Жалилов Акмалжон Олимович — Наманган вилояти кардиология маркази интервенцион кардиология бўлими mudiri

Ибрагимова Гулноз Ўроқовна — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз технология касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Эшонкулова Гулзира Самиковна — Тошкент вилояти Охангарон туманидаги «Мурувват» ногирон эркаклар интернат уйи тиббиёт хамшираси

Эшонхонова Мақсуда Шокировна — «Ўзбекистон» наشريёт-матбаа ижодий уйи етакчи корректори

Каримназарова Саодат Исмоиловна — Сирдарё вилояти Бўёвут туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Қурбанбаева Алтинпаша Хожаязовна — Хоразм вилояти Бўғот тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази эпидемиолог

Мавлонова Муҳайёхон Авазовна — Тошкент вилояти Ангрен кимё саноати касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Мамедова Дилором Раҳматжоновна — Ўзбекистон давлат санъат музейи илмий ходими, рангтасвирчи рассом

Мирзаева Маҳбуба Султоновна — Республика онкология ва радиология тиббиёт марказининг Жиззах филиали диспансери хамшираси

Мирмухамедова Азиза Ҳабибуллаевна — Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази неонатология бўлими mudiri

Муртазоқулов Маҳкам — Жиззах санъат коллежи ўқитувчиси

Набиева Сурайё Сайфуллаевна — «Ўқитувчи» наشريёт-матбаа ижодий уйи тахририят бўлими техник муҳаррири

Нажимиддинов Тоир Шаҳобиддинович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Тошкент телемаркази тасвирга олиш гуруҳи смена бошлиғи

Низаметдинов Наҳиддин Ғуломович — ЎзФА давлат адабиёт музейи етакчи илмий ходими

Раҳмонов Темиркул Тангриевич — Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази жароҳат оқибатлари ва ортопедия бўлими бошлиғи

Собиоров Омонбой Атабаевич — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиали реанимация бўлими mudiri

Содиқова Насиба Амановна — Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати мусика фани ўқитувчиси

Салаҳўжаев Рауфхон Фарходжонович — Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети ўқитувчиси

Салимова Махфуза Ҳамидовна — Республика «Хунарманд» уюшмасининг Бухоро вилояти бўлими аъзоси, зардўз уста

Сейтмуратов Матеке Мухаматдинович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Нукус телерадиомаркази кўчма техника воситалари гуруҳи катта электромеханиги

Сиддиқов Ўткир — Ўзбекистон Бадий жамоалари ижодий бирлашмаси концерт бошловчиси

Сиддиқова Ферузахон Нўъомовна — Андижон вилояти телерадиокомпанияси директори ўринбосари

Султонова Гулбаҳор Болтаевна — Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 13-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси

Тиллаҳўжаева Сурайё Қаҳҳоровна — Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейи журнали

Тожибоева Адибахон Гаппоровна — Наманган вилояти Норин туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Толипов Самат Абдилахотович — ЎзФА Биоорганик кимё институти катта илмий ходими

Турсункулов Эшқул Азимович — Самарқанд вилояти Жомбой тумани «Кўкғумбаз» маданият ва аҳоли дам олиш маркази тўғрақ раҳбари

Тўраев Шавкат Нишонович — Республика Маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси

Улмасова Мусаввар Жалоловна — Республика дизайн коллежи катта ўқитувчиси, рангтасвирчи рассом

Уразбаев Дарменбек Турдибекович — «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими раҳбари

Ўрмонова Тошхон Ибрагимовна — Фарғона вилояти Марғилон педагогика коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Ўроқов Аъзам Асқарович — Бухоро вилояти маданият бошқармаси тасарруфидаги вилоят кўзи оғизлар махсус кутубхонаси директори

Ҳамидов Иштиёр Муртазович — Бухоро вилояти Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси анестезиология-реанимация бўлими mudiri

Ҳикматова Луиза Анваровна — Сув спорти турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби директори

Холова Тожихол Ярашовна — Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги 10-сонли «Шодлик» мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси

Ҳасанова Насиба Манабоевна — Қашқадарё вилояти Қарши санъат коллежи ўқитувчиси

Ҳошимова Ойша Исоевна — Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги 32-сонли «Меҳрибонлик уйи» тарбиячиси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 25 августЎзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Сенатининг ўн биринчи
ялпи мажлиси тўғрисида
АХБОРОТ

Жойлардаги ишларнинг ҳолатини ўрганиш натижа-ларига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-камаси томонидан мазкур объектилардан хавфсиз фой-даланишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга, ушбу соҳадаги ягона давлат на-зорати самарадорлигини оширишга йўналтирилган тад-бирлар режаси ишлаб чиқилди.

Муҳокама чоғида сенаторлар қатор тавсиялар бил-дирдилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тадбирлар режасида назарда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши-ни таъминлаш муҳимлигини қайд этдилар. Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасига маз-кур масала бўйича Сенат қабул қилган қарорнинг ижро этилиши устидан мониторинг қўриш топиширилди.

Шундан сўнг сенаторлар «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти таркибига кирмай-диган корхоналар темир йўлларида сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳолати, шунингдек, ушбу корхоналарда темир йўл орқали ташувлар хавф-сизлигини таъминлаш бўйича давлат назорати-нинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига парламент сўрови юбориш ҳақида-ги масалани кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Олий Мажлис Сенатининг вакола-тига қирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлисида мамлака-тимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самара-дорлигини оширишга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амал-га оширишга оид Давлат дастурининг босқичма-бос-қич ижро этишга қаратилган 27 та масала, шу жум-ладан, 10 та қонун (шундан 6 таси янги қонун) кўриб чиқилди. Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлисида қабул қилинган қарорлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркин-ликлари ва қонуний манфаатлари қамолатларини яна-да мустаҳкамлашнинг, аҳоли турмуш даражасини оширишнинг, мамлакатда барқарорлик ва фаровон-ликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиши таъ-кидланди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОИЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASI OLIY
SUDI TARKIBIGA
ЎЗГАРТИРИШЛАР
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

МУСТАҚИЛЛИК ВА МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТ

Миллий парламентимиз ривожланишини ўзига хос 3 босқичга ажратиш мумкин. 1995 йилгача бўлган давр биринчи босқични қамраб олади. Бу давр ичида Конституция, 4 кодекс, 100 дан ортиқ қонун ва қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. 1995-2004 йилларда бир палатали парламент шаклланди ва шу вақт орасида 138 қонун ва 467 қарор қабул қилинди. 2005-2016 йиллар учинчи босқич бўлиб, бу вақтда икки палатали парламент юзага келди.

Бу фикрлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ташаббуси билан «Мустақиллик ва миллий парламентаризмнинг шаклланиши ва ривожланиши» мавзусида ўтказилган конференцияда алоҳида таъкидланди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари Тошкент вилоят, шаҳар, туман ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Конференцияда миллий парламентни ривожлантириш бўйича тарихий ислохотлар амалга оширилгани алоҳида қайд этилди. 2017 йилда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ҳамда 12 июлда парламент ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, сиёсий партиялар аъзолари иштирокида ўтказилган видеоселектор йиғилишида билдирилган фикрлар, илгари сурилган ғоялар парламент ҳаётида янги даврни бошлаб бергани таъкидланди.

— Бугунги кунда партиямиз фракциясида қўриб чиқиладиган қонун лойиҳалари ҳудудий ташкилотлар томонидан аҳоли орасида кенг муҳокама этилиб, ҳаётий тажрибани шакллантириш механизми йўлга қўйилди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари Ҳотамжон Кетмонов. — Натижада фракция-

ларнинг ўз принципиал позициясини намоён этиш жараёни янги босқичга кўтарилди. Бу ўз навбатида қонунларнинг ҳаётийлиги, халқчиллиги ошишига хизмат қилади. Яна бир янгилик, фракция йиғилишлари ва ялпи мажлисларда қонун лойиҳалари муҳокамаси жараёнига фаол ёшлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва партия фаоллари таклиф этилаётганлиги. Бу орқали йиғилишлар янада муҳокамаларга, баҳсларга бой тарзда ўтмоқда ва партиямиз иши ҳам такомиллаштирилмоқда. Жумладан, видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифаларни ўз ичига олган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унда партия ва унинг депутатлик корпуси фаолияти

самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳамда ташкилотлари томонидан билдирилаётган таклифлар сони ва сифати ҳам ортмоқда.

Шунингдек, партиямиз Сайловолди дастурини бугунги кун талаби асосида қайта қўриб чиқиш ва хорижий тажрибани ўрганган ҳолда қўшимчалар киритиш ишлари бошлаб юборилди. Ишчи гуруҳ аъзолари хонадонма-хонадон юриб, аҳолини, партия электоратини ўйлантираётган масалаларни аниқламоқда, пенсионерлар ҳамда ногиронларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганмоқда. Барча йўналишдаги муаммолар таҳлили бўйича партия Дастурини содда, халқчил қилиб тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Албатта, ўзгаришларни амалга оширишда кадрлар муҳим ўрин тутди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила Каромова. — Бу борада ишлаб чиқилган тизим,

хусусан, кадрларни ўқитиш ва захира кадрлар билан ишлаш механизми йўлга қўйилишига кўп нарса боғлиқ.

Барча йўналишлардаги ишларимизни кенг жамоатчиликка етказиб беришда оммавий ахборот воситалари, биринчи навбатда, партия нашрлари имкониятидан тўла фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Бунинг учун аввало ўзини ўзига қаратган шарт. Хусусан, коммунал хизмат, тиббиёт, транспорт хизмати масалалари, бизнес билан боғлиқ муаммолар, уларнинг ечимлари бўйича таклифлар, ташаббусларни илгари суришимиз талаб этилади.

Конференцияда барча сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари ўз маърузалари билан чиқиш қилди. Шундан сўнг музокараларга навбат берилди, муҳим вазифалар атрофида муҳокама этилди.

— Бугун замон олдимизга қўяётган масалалар ҳар қачонгидан-да зийрак, ҳушёр ва ташаббускор бўлишни талаб

этмоқда, — деди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳайдар Бобохонов. — Ислохотларнинг ҳозирги босқичида фракция ва жойлардаги партия гуруҳлари ўзаро уйғун равишда фаолият олиб бориши, бир-бирини такрорловчи эмас, тўлдирувчи сифатида намоён бўлиши лозим. Яъни, фракцияда кечаётган жараёнлар ҳақида маҳаллий Кенгашларни хабардор қилиш, жойлардаги ҳақиқий аҳвол тўғрисида фракция аъзоларига ўз вақтида маълумот беришга алоҳида эътибор қаратиш тизимини янада такомиллаштиришимиз лозим. Биз шунга ҳаракат қилияпмиз.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳимиз ташаббуси билан 9 масала доимий комиссияларда муҳокама қилинган бўлса, шундан 2 масала сессияга киритилди. Бу рақамлар одамларни ўйлантираётган муаммоларга нисбатан олганда анча кам. Буни тан оламиз.

Жамоатчилик қабулхоналарига бўлаётган мурожаатларга мутасаддилар билан ҳамкорликда ечим топишмоқда.

Конференцияда парламент, фракциялар, барча даражадаги депутатлар фаолияти ва профессионалигини янада ошириш, депутатликка ҳар томонлама муносиб номзодларни кўрсатиш билан боғлиқ долзарб масалалар бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Электорат билан мулоқот ЖАРҚЎРҒОНДА КЎЧМА ҚАБУЛХОНА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

ЎзХДП Жарқўрғон туман кенгаши ва партия гуруҳи ташаббуси билан «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғинида кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил қилинди. Унда вилоят, туман партия ташкилотлари масъуллари, депутатлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

— Мурожаатлар таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, юртдошларимизни коммунал тўловлар, уй-жой, ер ва кредит олиш, бандлик, пенсия-нафақа тайинлаш, ичимлик суви ва бошқа қатор масалалар кўпроқ ўйлантиряпти, — дейди ЎзХДП Жарқўрғон туман кенгаши раиси, туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Алишер Маматмуродов. — Айниқса, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, йўлларни таъмирлаш, аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш ҳал этилиши зарур бўлган вазифалар. Шунинг учун аҳоли вакиллари эшитиб, уларнинг таклифлари, хоҳиш-истакларини ўрганимиз.

— Худудимизда 4300 га яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Ҳожиқов. — 980 га яқин хонадон ва 1 минг 180 дан ортиқ оила бор. Маҳалладошларимизнинг асосий қисми ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнат қилади. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, эл-юртга нафига тегаётганлар ҳам кўпчиликини ташкил қилади. Аммо меҳнатга лаёқатли кишиларнинг бир қисми ишсиз. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли, хусусан, ёшлар ва хотин-қизлар бандлиги борасида ҳам муаммолар бор. Худудда ишлаб чиқариш корхоналари, завод ва фабрикалар қурилса яхши бўларди. Касаначилик ва сервис соҳаларини ривожлантириш ҳам долзарб аҳамият касб этади. Биз имкониятларимиздан келиб чиқиб, паррандачилик, чорвачилик ва боғдорчиликни ташкил этишга ҳаракат қилияпмиз.

— Одамларни рози қилиш жамият таракқиётида муҳим ўрин тутди, — дейди 2-гуруҳ ногирони Салим Камолов. — Бу йил туманимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож 15 оилага янги уй-жой қалитлари топширилди. Бундан кўпчилик миннатдор. Мен ҳам янги уй олиш мақсадида қабулга келгандим. Мутасаддилар оилавий шароитимни ўрганди ва ҳуқуқий маслаҳат берди. Бундан хурсандман.

— Янги ўқув йили арафасида турибмиз, — давом этади Ҳидоят Норбоев. — Фарзандларимга имтиёзли равишда китоб олиш масаласида мурожаат қилгандим. Масала жойида ҳал қилинганидан мамнунман. Тадбир давомида ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларига туман партия кенгашининг эсдалик совғалари топширилгани эса кўнгилларга шодлик улашди.

Мулоқот давомида 30 га яқин мурожаат қайд қилинган бўлса, уларнинг асосий қисми жойида ечим топди. Айримларини бартараф қилиш чоралари кўриладиган бўлди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП ҳаётидан

Мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан Чуст тумани Олмос қишлоғида «Фидойинг бўлганди сени, Ўзбекистон!» шiori остида ёшлар билан мулоқот бўлиб ўтди. Унда вилоят ва туман партия кенгашлари ходимлари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ЁШЛАРГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРАДИ?

Наманган вилоят партия кенгаши раиси Дилором Абдурахимова Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ижроси, 11 йиллик таълимнинг афзалликлари хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирди. Ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд аҳоли вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларни иш билан таъминлаш бўйича таклиф ва ташаббусларни мунтазам ўрганиб бориш зарурлигини қайд этди.

— Уюшмаган ёшлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш долзарб вазифа, — дейди «Истиқбол» ёшлар қаноти

аъзоси Исрол Асилбеков. — Партия ўтказётган тадбирларни кўпроқ интерактив усулда, савол-жавоб тарзида олиб бориш керак. Қуруқ маърузадан қочиш, йигит-қизларни тинглаш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш лозим, деб ўйлайман. Давра суҳбатида ёшларнинг таклифлари, уларни ўйлантираётган масалалар ўртага ташланди. 10 га яқин мурожаатни ҳал этиш бўйича вазифалар белгиланди. Мулоқот якунида бир гуруҳ ёшлар партия аъзоларига қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ФАРЗАНДИНГИЗНИ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛДИРМАНГ

Қашқадарё вилоят ва Қарши шаҳар партия кенгашлари «Фаол аёллар» қаноти, Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда Қарши шаҳридаги 6-оилавий поликлиникада қизларни ҳаётга тайёрлаш, оилавий ажримларнинг олдини олиш мавзусида давра суҳбати ўтказди. Мулоқот тарзида бўлиб ўтган тадбирда шифокор ва ҳамширалар, хотин-қизлар иштирок этди.

Дастлаб хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ўтказилаётган тарғибот тадбирларининг таъсирчанлигини ошириш масалалари ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш ходимлари ва патронаж ҳамшираларининг аҳоли, хусусан, хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича олиб бораётган амалий ишлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Ўз ҳақ-ҳуқуқини, вазифаси ва мажбуриятини яхши тушунган опасингилларимиз ҳаётда қўқилмайдилар, — деди Қарши шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Райхон Шерова. — Хотин-қизлардан турли мазмундаги мурожаатлар бўлади.

Уларнинг аксариятида кўтарилган муаммолар ҳуқуқий саводхонлик билан боғлиқ. Шунинг учун қизларнинг билим олиши, касб-хунарли бўлиши, бўш вақтини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

— Партия фаоллари ҳамда депутатлар жойларга чиқиб, аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар ўтказяпти, — деди вилоят партия кенгаши сектор мудири Шахло Худойкулова. — Тиббиёт ходимлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйдик. Чунки улар доимий равишда хонадонларда бўлишда ва хотин-қизлар билан кўпроқ мулоқот қилишади.

Оилада тарбия ва маданиятни кучайтиришда отанинг ўрни қандай,

деган савол ҳам муҳокамалар марказидан ўрин олди. Фикрлар хилма-хил, аммо аксарият тажрибали шифокорлар оиладаги тинчлик-хотиржамлик аввало отага боғлиқ эканини таъкидлашди. Алломалар айтганидек, бола ота-она қўлида бир омонатдир. Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар кун, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму хунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, келажакни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас. Бу борада тарғиботни кучайтириш ҳаммамизнинг вазифамиздир.

Тадбир доирасида «Замонавийлик деганда нимани тушунасиш?», «Сиз келажакда қандай келин олишини хоҳлайсиз?», «Ёшларда миллий маданият тушуначилиши юксалтириш учун нималар қилиш керак?» каби саволлар атрофида муҳокама бўлиб ўтди.

Зилола АНВАРОВА

Жамоатчилик қабулхоналарига бўлаётган мурожаатларга мутасаддилар билан ҳамкорликда ечим топишмоқда.



«Ўзвиносаноат-холдинг»

акциядорлик жамияти жамоаси

Ватандошларимизни

мустақиллигимизнинг

26 йиллиги

билан муборакбод этади.



Хизматлар лицензияланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Байрам тухфаси сифатида юқори фоизли
«Мустақиллик тухфаси» ва «Олтин куз» омонат
турларини таклиф этади.

«МУСТАҚИЛЛИК ТУХФАСИ»

- ❖ Омонатни сақлаш муддати — 4 ва 6 ой.
- ❖ Бошланғич бадалнинг минимал миқдори — 1 000 000 сўм.
- ❖ Омонатга маблағ нақд пул кўринишида ва пластик карточкадан қабул қилинади.
- ❖ Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.

- ❖ Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмаган ҳолда талаб қилиб олгунча ҳисоб varaғига кириш қилиш орқали тўланади.
- ❖ Омонатга маблағ қабул қилиш бошқа муддатли ёки жамғарма омонатларини қайта расмийлаштириш (бекор қилиш) ҳисобига амалга оширилмайди.

«ОЛТИН КУЗ»

- ❖ Омонатни сақлаш муддати — 1 йил.
- ❖ Бошланғич бадалнинг минимал миқдори — 50 000 сўм.
- ❖ Омонатга маблағ нақд пул кўринишида, пластик карточкадан ҳамда бошқа муддатли ёки жамғарма омонатларини қайта расмийлаштириш (бекор қилиш) ҳисобига қабул қилинади.

- ❖ Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- ❖ Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмаган ҳолда талаб қилиб олгунча ҳисоб varaғига кириш қилиш орқали тўланади

**ЖАМҒАРМАЛАРИ БОШҚАРИЛИШНИ БИЗГА ИШОНИБ
ТОПШИРГАНЛАР ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ
МАСЪУЛ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!**

Қўшимча маълумотларни (0-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки
банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.
www.nbu.uz

Хизматлар лицензияланган.




«ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ»

акциядорлик жамияти жамоаси

халқимизни энг улуғ,
энг азиз айём —
мустақиллигимизнинг

йигирма олти

йиллиги
билан қутлайди!



Маҳсулотлар сертификатланган.
Хизматлар лицензияланган.

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



юртдошларимизни мустақиллик
байрами билан табриклайди!



МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 838
9236
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 23:03
Topshirilgan vaqti — 01:10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5 6